

**«Ҳамкорбанк» АТБ  
Кенгаши қарори билан  
09.09.2016 йилдаги  
21 Баённома билан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»**

ИМЗО  
Кенгаш раиси  
И.Ибрагимов

**«ҲАМКОРБАНК» АТБ нинг  
ЭМИССИЯ СИЁСАТИ**

## ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «ҲАМКОРБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ЭМИССИЯ СИЁСАТИ

### 1. Умумий қоидалар

- 1.1. Чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» акциядорлик тижорат банкининг мазкур эмиссия сиёсати (кейинги ўринларда - Сиёсат) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» қонунларига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳуқуқий ва қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (кейинги ўринларда - Марказий банк) норматив ҳужжатларига, шунингдек хорижий капитал иштирокидаги «Ҳамкорбанк» акциядорлик тижорат банкининг (кейинги ўринларда – банк) низомига мос равишда ишлаб чиқилган.
- 1.2. Мазкур сиёсат банкининг қимматли қоғозларини муомалага киритиш мақсадлари, вазифалари ва тартибини белгилайди ва Банк ривожланиши стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 1.3. Эмиссия сиёсати – бу банк томонидан капитал ва ресурс базасини кўпайтириш, шунингдек, ликвидликни таъминлаш мақсадида Банк пасивларини диверсификациялаш учун қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар, депозит ва жамғарма сертификатлари, векселлар ва ҳосила қимматли қоғозларни) муомалага чиқаришдир.

### 2.1. Асосий тушунчалар

Сиёсатда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган:

- 2.2. **Акция** — ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган, эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз;
- 2.3. **Ахборотни ошкор қилиш** — қимматли қоғозлар бозорида манфаатдор шахсларнинг ахборотни қайси мақсадда олишидан қатъи назар, мазкур ахборотдан унинг топилиши ва олинишини кафолатлайдиган шаклларда фойдаланишини таъминлаш;
- 2.4. **Вексель** — вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлашга доир қатъий мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз;
- 2.5. **Депозит сертификати** — банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) омонат суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз;
- 2.6. **Инвестор** — қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан олувчи юридик ёки жисмоний шахс;
- 2.7. **Ноэмиссиявий қимматли қоғозлар** — ушбу Сиёсатга мувофиқ эмиссиявий қимматли қоғозлар тушунчасига оид бўлмаган қимматли қоғозлар;
- 2.8. **Облигация** — эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у облигацияни сақловчининг облигациянинг Банкдан номинал қийматини облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қатъий белгиланган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди;
- 2.9. **Эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар** — мулкий ҳуқуқларнинг реализация қилиниши ўз эгасининг рўйхатдан ўтказилган бўлишини талаб этадиган қимматли

- қоғозлар;
- 2.10. **Эмиссиявий қимматли қоғозлар** — битта чиқарилиш доирасида бир хил белгилар ва реквизитларга эга бўлган, мазкур чиқарилиш учун ягона шартлар асосида жойлаштирилладиган ҳамда муомалада бўладиган қимматли қоғозлар;
  - 2.11. **Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестри** — рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг рўйхати;
  - 2.12. **Эмитент** — эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган Банк;
  - 2.13. **Опцион** — эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у ўз эмитентининг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини унда назарда тутилган муддатда, қатъий белгиланган нарх бўйича сотиб олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди;
  - 2.14. **Қимматли қоғозлар** — ҳужжатлар бўлиб, улар мазкур ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулк хуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган хуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутди. Қимматли қоғозларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида акс этади.
  - 2.15. **Қимматли қоғозларга доир фючерс** — қимматли қоғоз бўлиб, у ўзида назарда тутилган муддатда қимматли қоғозларнинг муайян сонини қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқлайди;
  - 2.16. **Қимматли қоғозларни жойлаштириш** — қимматли қоғозларни битим тузиш йўли билан уларнинг дастлабки эгаларига бериш;
  - 2.17. **Қимматли қоғозларнинг муомаласи** — қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган, қимматли қоғозларнинг эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар;
  - 2.18. **Қимматли қоғозларни чиқариш** — Банкнинг фуқаролик хуқуқларининг объекти сифатида қимматли қоғозлар пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари;
  - 2.19. **Қимматли қоғозлар эгаси** — қимматли қоғозлар ўзига мулк хуқуқи ёки бошқа ашёвий хуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс;
  - 2.20. **Қимматли қоғозлар эмиссияси** — эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш;
  - 2.21. **Қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласи** — эмитент ва у чиқарадиган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек инвесторнинг қимматли қоғозлар олиш тўғрисидаги қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ахборотни акс эттирувчи ҳужжат;
  - 2.22. **Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари** — ўз эгаларининг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан хуқуқларини ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан опционлар, қимматли қоғозларга доир фючерслар, ва бошқа молиявий воситалар тарзида чиқариладиган қимматли қоғозлар;
  - 2.23. **Субординацияланган қарз** - банк қарз мажбуриятларининг шакли ҳисобланади, капитални аниқлаш учун чегирмалардан кейин И даражали капиталнинг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас. ИИ даражанинг капиталига киритиладиган субординацияланган қарз миқдори охириги 5 йил ичида ҳар йили 20% га камайиши керак.

### 3. Эмиссия фаолиятининг мақсади ва стратегиялари

- 3.1. Эмиссиявий фаолиятни амалга оширишдан асосий мақсад аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш молиявий маблағларини банкнинг чиқарилган қимматли қоғозларига жалб қилиш ва шу маблағлар ёрдамида капитални кўпайтириш ва банкнинг ресурс базасини кенгайтириш, шунингдек, банк

- мажбуриятларини диверсификация қилишдир.
- 3.2 Эмиссиявий фаолият мақсадида кўра Банк томонидан қуйидаги стратегиялар қўлланилади:
- а) узоқ муддатли эмиссия стратегияси, яъни узоқ муддатли пасивларни шакллантириш мақсадида муомилага узоқ муддатли қимматли қоғозларни чиқариш
  - б) қисқа муддатли эмиссия стратегияси, яъни қисқа муддатли пасивларни шакллантириш мақсадида муомилага қисқа муддатли қимматли қоғозларни чиқариш
  - в) устав капиталини кенгайтириш, яъни Банкнинг хусусий капиталини ошириш учун муомилага акцияларни чиқариш.
- 3.3. Юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш молиявий маблағларини узоқ муддатга ва қисқа муддатга жалб қилиш учун Банк ўрнатилган тартибда Банкнинг қарз мажбуриятларини акс эттирадиган қимматли қоғозларни муомилага чиқариши мумкин.
- 3.4. Банк шунингдек субординацияланган қарзни шакллантириш учун узоқ муддатли қарз қимматли қоғозларини чиқариши мумкин.
- 3.5. Қимматли қоғозларни муомилага чиқариш ҳақидаги қарорни қабул қилишдан олдин Банк қуйидагиларни аниқлаши зарур;
- а) қимматли қоғозларни муомилага чиқаришнинг асосий мақсади
  - б) қимматли қоғозларни муомилага чиқаришдан кутилаётган самарадорлик;
  - в) қимматли қоғозларнинг муомилага чиқарилиши билан боғлиқ бўлган қимматли қоғозлар эмиссиясининг амалий технологияси;
  - г) эмиссиявий қимматли қоғозлар бозоридаги мавжуд талаб ва таклифларни, потенциал инвесторларни, шунингдек инвесторларнинг инвестиция дастурларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
  - д) ставкаларини ҳисобга олган ҳолда эмиссиявий қимматли қоғозларни муомала қилиш муддатини, шунингдек жалб қилинган ресурслардан ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларидан самарали фойдаланишни белгилаш
- 3.6. Акцияларни чиқаришда эмиссия сиёсатининг мақсади:
- устав капиталини кўпайтириш;
  - банк фаолияти соҳаларини кенгайтириш учун молиявий имкониятларни ошириш ва тегишли шарт-шароитларни яратиш;
  - Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва эмиссия фаолияти соҳасидаги Марказий банк нормативларига риоя қилиш
  - банк кредит операциялари ҳажмини ошириш;
  - банк маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш ва интенсификация маркетинг фаолиятини амалга ошириш
- 3.7. Депозит сертификатларини ва банк облигацияларининг эмиссияларини чиқариш сиёсатининг мақсади:
- қарз ресурсларини жалб қилиш ва ликвидликни сақлаш
  - қимматли қоғозлар бозорида Банк фаолиятини кенгайтириш
  - банк фойдасини ошириш
  - қарз маблағларини жалб қилишнинг муқобил манбаларини излаш орқали харажатларни камайтириш:
  - миқдорларга янги, янада жозибалироқ ва рақобатбардошроқ банк маҳсулотларини таклиф қилиш.
- 3.8. Банк амалдаги қонунчилик ва ушбу Сиёсат доирасида мустақил равишда эмиссиявий

фаолият йўналишларини белгилайди ва қимматли қоғозларнинг чиқариш учун маъқул ёки мос деб ҳисоблаган турлари ва кўринишларини танлайди.

3.9. Банк диққат билан ва консерватив асосда муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларнинг барча турлари бўйича эмиссия дастурини ишлаб чиқади.

#### **4. Муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларнинг турлари ва шакллари**

- 4.1. Банк амалдаги қонунчилик ва ва норматив ҳужжатлар талабларига мос равишда қуйидаги қимматли қоғоз турларини муомалага чиқариш ҳуқуқига эга:
  - а) акциялар
  - б) облигациялар
  - в) депозит сертификатлар
  - г) қимматли қоғозларнинг ҳосилалари
  - д) бошқа қимматли қоғозлар
- 4.2. Қимматли қоғозлар белгиланган тартибда ҳужжатли ва ҳужжатсиз шаклда муомалага чиқарилиши мумкин.
- 4.3. Банк амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ облигациялар, депозит сертификатлари, қимматли қоғоз ҳосилалари ва векселлар каби муомала муддати чекланган қимматли қоғозларни чиқаради. Акциялар ҳужжатсиз шаклда чиқарилади.
- 4.4. Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси уларнинг муомала муддатига мувофиқ белгиланади.
- 4.5. Банкнинг устав капитали акциядорлар томонидан сотиб олинган Банк акцияларининг умумий номинал қийматидан ташкил топади. Банкнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан оширилиши мумкин.
- 4.6. Акцияларнинг янги эмиссияси фақат олдин Банк томонидан чиқарилган барча акцияларнинг акциядорлар томонидан тўлиқ тўланганидан кейин амалга оширилиши мумкин. Акцияларнинг навбатдаги чиқарилишини Давлат рўйхатидан ўтказиш бундан олдинги эмиссия яқунлари бўйича Банкнинг таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишлар рўйхатга олингандан кейин амалга оширилиши керак.
- 4.7. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Банк устав фондининг йигирма фоизидан ошмаслиги керак
- 4.8. Облигацияларни чиқариш ресурс базасини тўлдириш ёки субординацияланган қарзни шакллантириш учун амалга оширилади ва олдин Банк томонидан чиқарилган акцияларнинг барчаси тўлиқ тўланганидан кейингина амалга оширилиши мумкин.

#### **5. Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор**

- 5.1. Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:
  - а) банкнинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили);
  - б) эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор тасдиқланган сана;
  - в) Банкнинг эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган Банк бошқарув органининг номи;
  - г) эмиссиявий қимматли қоғозларнинг номи ҳамда уларнинг чиқарилиш шакли;
  - д) эмиссиявий қимматли қоғозлар эгасининг ҳуқуқлари;
  - е) эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш шартлари;
  - ж) чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони;
  - з) илгари жойлаштирилган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони;
  - и) эмиссиявий қимматли қоғозларнинг номинал қиймати.
- 5.2. Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор Акционерларнинг

умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади ва амалдаги қонунчилик ва Банк низомига биноан Банк Кенгашига юкланиши мумкин.

- 5.3. Гаров, банк кафолати ёки қонунда назарда тутилган бошқа усуллар билан қўшимча таъминланадиган Банк мажбуриятларини бажариш, облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорда шунингдек қўшимча таъминот берувчи шахс тўғрисидаги ва таъминлаш шартлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлиши керак. Бу ҳолда облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қўшимча таъминот кўрсатувчи шахс томонидан ҳам имзоланиши керак.
- 5.4. Банк облигацияларни:
- а) аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги ўз капитали миқдори доирасида,
  - б) агар сўнги уч йил ичида аудиторлик ташкилотининг хулосалари билан тасдиқланган рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг ижобий кўрсаткичларига эга бўлса,
  - в) агар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил рейтинг баҳосини олган бўлса чиқариши мумкин

## **6. Қимматли қоғозларни эмиссиялаш жараёни**

- 6.1. Қимматли қоғозларни чиқариш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- а) Бош офис Ҳазначилик Департаменти бўлимлари эмиссиявий фаолият мақсадлари ва стратегиясидан келиб чиққан ҳолда қимматли қоғозларни эмиссиялаш ташаббускорлари ҳисобланади
- б) Бош банкнинг қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича таркибий бўлинмаси томонидан қимматли қоғозлар бозорининг конъюнктураси, қимматли қоғозларга бўлган талаб, қимматли қоғозларнинг самарадорлиги, улар бўйича кутилаётган ставкалар, уларнинг рақобатбардошлиги ва уларнинг амал қилиш муддати ўрганилмоқда ва шу асосда тегишли таклифлар ишлаб чиқилмоқда;
- в) Ҳазначилик бўлими томонидан Банк кўрсаткичларидан келиб чиқиб, қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш йўли билан Банк капитали ва ресурс базасини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда;
- г) Бош банкнинг қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича таркибий бўлинмаси Ҳазначилик бўлими билан биргаликда молиявий рискларнинг ликвидлигини бошқариш қўмитасига (МРЛБҚ) қимматли қоғозларнинг турлари, амал қилиш муддатлари, шунингдек фоиз ставкалари бўйича ахборот тақдим этади;
- д) МРЛБҚ қимматли қоғозларни муомалага чиқариш бўйича таклифларни ўрганиб чиқиб, муҳокамадан сўнг қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилади;
- е) Банк бошқаруви МРЛБҚ нинг қимматли қоғозларни муомалага чиқариш тўғрисидаги қарорини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади. Қимматли қоғозлар эмиссиясига рухсат Банк Кенгаши томонидан берилади;
- ж) Бозорда қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Банкнинг устав капитали ҳажмини ошириш тўғрисидаги қарор, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ёки агар унга Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан шундай ваколат берилган бўлса, Банк Кенгаши томонидан қабул қилинади. Облигациялар, депозит сертификатлари, қимматли қоғозлар ҳаволалари ва векселлар каби қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ҳақидаги қарор Банк кенгаши томонидан қабул қилинади.
- з) Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор, Эмиссия рисоласи ва

эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш шартлари Бош банкнинг қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича таркибий бўлинмаси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқлаш учун банк Кенгашига тақдим этилади. Банк кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг чиқариш тўғрисидаги қарор ёки чиқариш шартлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилади:

и) Чиқариш ҳақидаги қарор ёки чиқариш шартлари давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида, қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг веб-саҳифаларида эълон қилинади. «Тошкент» РФБ, Банк сайтида Ҳисобот қуйидаги давлат назорат органларига тақдим этилади:

к) Рўйхатга олинган қимматли қоғозлар Банкнинг бош офиси ва филиаллари томонидан белгиланган тартибда жойлаштирилади

Ушбу сиёсатнинг 1-Иловасида Банк қимматли қоғозларини чиқариш жараёнининг схемаси келтирилган.

Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши тартиби, шунингдек, уларнинг чиқарилиши ва тўланишининг тўхтатилиш тартиби «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» ги Низом қоидалари асосида амалга оширилади (рўйхат рақами 2000, 2009 йил август)

- 6.2 Депозит сертификатларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши ва муомалага чиқарилиши «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги» Низом қоидалари асосида амалга оширилади (рўйхат рақами 1859, 2008 йил 24 сентябрь)
- 6.3 Банк қимматли қоғозларни чиқарувчи ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида ўз фаолиятига тегишли бўлган ахборотни «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» қоидалари асосида ошкор этади (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль)

## **7. Қимматли қоғозларнинг ликвидлигини таъминлаш**

- 7.1. Банк ҳар қандай эмиссиявий қимматли қоғозларнинг ликвидлигини таъминлаши зарур. Қимматли қоғозларнинг ликвидлиги деганда муомаладаги қимматли қоғозларнинг нақд ва нақд бўлмаган пул воситаларига тез ва осон айланиш қобилияти тушунилади.
- 7.2. Банк эмиссиявий қимматли қоғозларнинг ликвидлигининг зарурий даражасини таъминлаш мақсадида қимматли қоғозларни (акциялардан ташқари) тўлов муддати тугагунга қадар инвестор ёки мижозлар билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда қайтариб сотиб олиши мумкин.
- 7.3. Банк тўлов муддати келмаган қайтариб сотиб олинган қимматли қоғозларни (акциялардан ташқари) қимматли қоғозлар бозорида такрор жойлаштириши мумкин.
- 7.4. Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш билан боғлиқ хатарларни олдини олиш учун Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хавфларни суғурта қилиши мумкин.
- 7.5. Банк ўз Эмиссия сиёсатида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзгартиришлар киритиши мумкин.
- 7.6. Қимматли қоғозлар даромадлилиги бўйича белгиланган даража қимматли қоғозлар жозибадорлиги, бозор нархи ва молиявий бозор ҳолатига боғлиқ бўлади.

## **8. Қимматли қоғозларни жойлаштириш**

- 8.1 Банк қимматли қоғозларни мустақил равишда, шунингдек бошқа банклар ва инвестиция воситачилари орқали жойлаштириш ҳуқуқига эга.
8. 2 Қимматли қоғозларни жойлаштириш қуйидаги турларда амалга оширилиши мумкин
- а) қимматли қоғозларни хусусий жойлаштириш (олдиндан маълум бўлган, сони чекланган инвесторлар орасида оммавий эълон бермаган ва реклама кампанияси ўтказмаган ҳолда ёпиқ обуна қилиш);
  - б) қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш (сони чекланмаган инвесторлар орасида реклама кампаниясини ўтказган ҳолда очиқ обуна қилиш).
- Ушбу ҳолларнинг ҳар бири учун қимматли қоғозлар чиқарилишининг энг кам ёки энг кўп ҳажми қонун ҳужжатларида белгиланади.
- 8.4. Банк эмиссиявий қимматли қоғозларнинг ҳақиқатда жойлаштирилган сонини уларнинг чиқарилиши яқунлари тўғрисидаги билдиришномада кўрсатади. Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши яқунлари тўғрисидаги билдиришномани тақдим этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.
- 8.5 Банк чиқарилаётган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришни қимматли қоғозларни чиқариш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир йил давомида тугатиши керак.
- Банклар акцияларини бирламчи оммавий жойлаштириш фонд биржасида янги муомалага чиқарилаётган акциялар ҳажмининг камида 25 фоизи миқдорида амалга оширилади (хусусий банклар бундан мустасно). Бунда, банк акциялари фонд биржасида акцияларни оммавий жойлаштириш бошланган кундан бошлаб сотиш учун жойлаштирилиши лозим. Эмиссиявий қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ахборотни белгиланган тартибда ошкор этилгандан камида икки ҳафта кейин амалга оширилади
- 8.6 Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент бўлган банк, шунингдек у билан шартномага кўра эмиссиявий қимматли қоғозлар жойлаштирилишини амалга оширувчи банклар ва инвестиция воситачилари эмиссиявий қимматли қоғозлар олингунига қадар инвесторга қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи ва эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш шартлари билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши шарт.

## **9. Ноземиссиявий қимматли қоғозларнинг жойлаштирилиши ва уларнинг муомаласи**

- 9.1. Депозит сертификатларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласи қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади
- 9.2. Векселларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласи қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади

## **10. Қимматли қоғозларнинг вақтида тўланиши**

- 10.1. Банк ўзи томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек, ушбу масалалар юзасидан юзага келган барча мажбуриятлар бўйича белгиланган тартибда жавоб беради.
- 10.2. Қимматли қоғозлар ва қарз мажбуриятлари бўйича банк томонидан фойда ҳам, қарзнинг асосий миқдори ҳам тўланиши керак



10.3. Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда эмиссиявий қимматли қоғозлар бўйича захира фондини яратиш ҳуқуқига эга11. Банк томонидан ахборотнинг ошкор этилиши

11.1. Эмитент қимматли қоғозларнинг эмитенти сифатида ахборотни:

а) қимматли қоғозлар эмиссия рисоласида;

б) Банкнинг йилнинг ҳар чорагидаги ва йиллик ҳисоботида;

в) Банкнинг фаолиятидаги муҳим фактлар тўғрисидаги банк сайтида чоп этиладиган хабарларда, «Тошкент» Республика фонд биржасида ва бошқа омавий ахборот воситаларида қонун томонидан белгиланган тартибда ошкор қилади.

11.2. 46 бандда кўрсатилган ҳужжатлар таркиби ва шунингдек, ахборотни ошкор этиш тартиби ва муддатлари амалдаги қонунчилик томонидан аниқланади

11.3. Банк инвесторларга амалдаги қонунчиликка мос равишда бошқа ахборотни ҳам тақдим этиши мумкин.

**«Ҳамкорбанк» АТБ**  
**қимматли қоғозлар эмиссияси жараёни**

**Қимматли қоғозлар эмиссияси ташаббусчилари**

<p>Бош банкнинг қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича таркибий бўлинмаси томонидан қимматли қоғозлар бозорининг конъюнктураси, қимматли қоғозларга бўлган талаб ўрганилиши ва тегишли таклифлар ишлаб чиқилиши;</p>	<p>Ҳазначилик бўлими томонидан Банк кўрсаткичларидан келиб чиқиб, қимматли қоғозлар эмиссияси йўли билан Банк капитали ва ресурс базасини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши;</p>
<p style="text-align: center;"><b>Қимматли қоғозларнинг зарур миқдорини, қимматли қоғозларнинг турлари, амал қилиш муддати, шунингдек, фоиз ставкаларининг самарадорлиги бўйича ахборот, нархларнинг рақобатбардошлиги, тўлаш муддатларини</b> <b>Актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси билан келишиш</b></p>	
<p><b>Банк бошқаруви: таҳлил натижаларини ўрганиш ва тегишли қарорларни қабул қилиш.</b></p>	<p><b>Банк Кенгаши томонидан ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда қимматли қоғозлар эмиссияси ҳақида қарор қабул қилиш</b></p>

Филиалларни бошқариш бўйича департамент директори	<u>УМЗО</u>	А.Парпиев
Ўзбекистон Республикаси Ҳазрати Мустафойи департаменти директори	<u>УМЗО</u>	А.Хан
Бош бухгалтер	<u>УМЗО</u>	Н.Иргашев
Ички назорат хизмати бошлиғи	<u>УМЗО</u>	Х.Юлдашев
Юридик хизмат бошлиғи	<u>УМЗО</u>	Қ.Тешабоев
Ҳодимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи	<u>УМЗО</u>	Ф.Мирабдуллаев
Аҳоли омонати билан ишлаш бўлими бошлиғи	<u>УМЗО</u>	Ф.Худайбердиев
Таваккалчиликларни бошқариш сектори бошлиғи	<u>УМЗО</u>	Д.Мадрахимов
Стандартларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш сектори Етакчи мутахассиси	<u>УМЗО</u>	

<p>Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан акция чиқариш ҳақидаги қарор қабул қилиш</p>	<p>Штамп</p>
<p>Бош банкнинг қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича таркибий бўлинмаси томонидан қимматли қоғозлар эмиссиясининг рисоласи тайёрланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши</p>	
<p>Қимматли қоғозлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин: муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар ҳақидаги ахборотнинг ошкор этилиши ва реклама ва тақдимотлар ўтказилиши</p>	
<p>Қимматли қоғозлар жойлаштирилиши</p>	

Методология  
мутахассиси

сектори

ИМЗО

Н.Исраилова

**ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА**  
**«Ҳамкорбанк» АТБ Эмиссия сиёсати ҳақидаги Низом лойиҳаси**  
**юзасидан**

14.09.2016 йил

Андижон шаҳри

Мен, «Ҳамкорбанк» АТБ Юридик хизмати ҳуқуқшуноси Б.С.Нуритдинов, «Ҳамкорбанк» АТБ Эмиссия сиёсати ҳақидаги Низом {бундан буён матнда -«Сиёсат» деб юритилади) лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказганимда.

**А Н И Қ Л А Н Д И :**

Мазкур муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги, «Ҳамкорбанк» АТБ Устави ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Низом лойиҳасида юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари талабларига зид нормалар кузатилмади.

Шунинг билан бирга, лойиҳа матнини «Ҳамкорбанк» АТБ да Ички маъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабулқилиш қоидалари мувофиқлаштириб расмийлаштириш лозим бўлади. Жумладан, қоидаларнинг ИМ-бўлимига мувофиқ бўлимларни рақамлашни ва харфлар шрифти ва ўлчамини қоидага мувофиқ қилиш лозим.

Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда, Сиёсат лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг, бошқа таркибий тузилмалар томонидан кўриб чиқилиши мумкин, деб ҳисоблайман.

**«Ҳамкорбанк»**  
**Б.Нуритдинов АТБ**  
**ҳуқуқшуноси**